RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV №

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 15 aprel, Juma

7 (313) son

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлис кун тартибига қўйилган Давлат бюджетидан сайловолди тарғибот-лари учун ажратилган маблағлардан номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш, номзодларнинг ишончли вакилларини ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини йўлга қўйиш, сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирлар учун ҳам фойдаланиш механизмини такомиллаштириш зарурлиги хусусида фикрлар билдирилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва фракциясининг 2005 йилги иш режаси билан Марказий Кенгаш аъзоси Хайринисо Мирзажонова таништирди. Йиллик режа муҳокамаси чоғида партиямиз ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан алоҳида тадбирларни амалга ошириш ва бу тадбирни муносиб ўтказиш хусусида фикр алмашилди.

Зиёлилар газетаси деб эътироф этилган «Миллий тикланиш» газетаси ўз ўқувчиларининг маънавий ҳамроҳи, ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришлар, мавжуд муаммолар хусусида баҳоли қудрат ўз сўзини айтаётган минбар бўлиб хизмат қилиб келаётир. Газетада мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, партия фаолиятидан ҳикоя қилувчи, илмий-оммабоп, адабий, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган қизиқарли мақолаларга ҳам ўрин берилаётир.

Кенгайтирилган йиғилиш иштирокчилари кун тартибига киритилган «Миллий тикланиш» газетасининг ижодий ва молиявий шароитини яхшилаш масаласида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бундан ташқари, партия нашри бўлган газетага обуначилар сонини кўпайтириш юзасидан ҳам чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзМТДП ташкил этилганлигининг 10 йиллигини кенг ёритиш, хатлар билан ишлашни янада жонлантириш, рукнлар хилма-хиллигига эришиш, ёшлар муаммоларига эътиборни кучайтириш, депутатлар ҳаётини янада кенгроқ ёритиш хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарифа Салимова, Олимжон Ўсаровлар Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбарининг ўринбосари этиб тайинланди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси бўлиб ишлаётган Хайринисо Мирзажонова Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари этиб тасдиқланди. Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми 2005 йил 15 апрелда ўтказиш белгиланди ва пленум кун тартибига қўйилган масалалар хусусида фикрлашилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбек курашида халқимизнинг руҳияти, асл мақсадларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олийжаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган.

И. Каримов.

КУРАШ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Бугун жаҳон нигоҳига тушиб, довруғ ва шуҳрат қозонаётган, миллионларни ўзига маҳлиё этган Кураш жаҳоннинг юксак маънавий қадриятларидан бири сифатида ўзининг чуқур тарихий илдизларига эгадир. Тарихшунос, қадимшунос, элшунос ва файласуф олимларнинг олиб борган тадқиқотлари, изланишлари ва археологик илмий қидирувлари, кузатишлари натижасида топилган ашёвий далиллар курашнинг ёши камида 2,5-3 минг йилдан зиёдлигини исботлади.Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимги аҳоли манзилгоҳларида аниқланган ноёб тошпилмалар, осори-атиқалар, қояларга битилган тасвирий санъат намуналари ҳам бунга тўлиқ шоҳидлик беради.

Ўзбек кураши жаҳонни забт этди.Ҳозирги кунда дунёнинг 74 мамлакатида миллий кураш федерациялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳар қандай спорт туридан Олимпия, Жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши мумкин. Аммо ҳамма миллат ҳам ўз спортини жаҳон майдонига чиқара олмайди. Спортчининг олий мақсади Олимпия чемпиони бўлиш бўлса, ўзбек миллатининг, жаҳон курашчиларининг энг олий мақсади — Курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир.

Хабарингиз бор, 5 қитъани забт этган ўзбек курашининг келажагига катта умид билан қараган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаоллари иштирокида Кураш Халқаро Ассоциацияси билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида катта анжуман бўлиб ўтган эди. Қизғин баҳс ва муноза-ралар, таклифларга бой йиғилишдан сўнг «Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси» номли илмий-услубий, амалий қўлланма нашр этди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган бу қўлланма кураш билан шуғулланувчи ёш курашчилар, мураббийлар, инструкторлар, талабалар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Китоб муаллифи Кураш Халқаро Ассоциацияси Президенти, ўзбек кураши қоидалари асосчиси Комилжон Юсупов ўттизга яқин адабиётлардан фойдаланиб, миллий спорт тури ҳақида батафсил қўлланма яратган. Китобнинг мазмун-мундарижаси кураш-нинг тарихи, Кураш Халқаро Ассоциациясининг кечаги ва бугунги фаолияти, кураш техникаси ва тактикасининг назарий асослари-дан иборат.Қўлланманинг яна бир афзал томони шундаки, унда кураш қоидалари суратлар орқали ўқувчига қулай усулда тушунтирилади. Мураббий-устозлар одоби тамойиллари, курашчининг одоби тамойиллари устунларида миллатимизнинг гўзал фазилатлари тилга олинади ва уларни бажариш шартлиги таъкидланади. Демак, кураш чин маънода ёшлар учун катта тарбия мактабидир.

Яна мозийга назар ташлаймиз.Курашимиз тарихини илмий исботлаб берадиган 6 та топилма-ашёвий далил мавжуд эканлиги аниқланган. Панжикентдан, қадимги Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон)дан, Самарқанд яқинидаги Челак қишлоғидан топилган ашёлар ҳам ўтмишдан садо беради. Этнографларнинг тадқиқотларига кўра, энг қадимги достон, эртак ва ривоятларда ҳам кураш ҳақида лавҳалар учрайди.Халқ сайлларида мусобақа ўтказиш анъанавий тус олганлиги ҳам айтиб ўтилади.Яна бир қизиқарли маълумот, қадимги Хитой қўлёзмаси «Тан-шу» да Фарғона музофотида мунтазам кураш ўйинлари ўтказилгани қайд этилган. X асрда яшаб ўтган араб географи ва сайёҳи Муқаддасийнинг асарларида ҳам Моваройуннаҳрнинг Марв, Самарқанд, Бухоро, Балх сингари йирик шаҳарларида тез-тез кураш мусобақалари ўтказилганлиги таъкидланади.

Беназир аллома Абу Али ибн Сино ҳам «Тиб қонунлари» китобида кураш инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатида алоҳида аҳамият касб этишига урғу бергани бежиз эмас. Буюк табибнинг "ёзишича, бадантарбия билан мунтазам шуғулланувчи киши касалликнинг давосига муҳтож бўлмайди.

Кураш шунчаки спорт туригина эмас, балки инсоннинг жисмоний, маънавий камолотга эришиш воситасидир. Улуғ аждодларимиз курашни тарбия мактаби деб аташган ва бу мактаб тарбияланувчилари, майдон кўрган енгилмас полвонларнинг ўзига хос йўлларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишган.

Жумладан, полвонлар қасам ичмайдилар, лекин ҳеч қачон ўз юртларига хиёнат қилмайдилар.

Полвонлар ўз қатъий фикрига эга бўладилар.

Полвонлар заифлар, ночорларни ҳимоя қиладилар, ҳалол ғалабасига берилган совриннинг бир улушини муҳтожларга тарқатадилар.

Полвонлар номаъқул ишлардан, зинодан, макрдан, гиёҳвандликдан нари юрадилар, бундай иллатларга қарши курашадилар...

Хуллас, азалдан халқимизнинг полвон деган номга муносиб паҳлавон, мард, жасур фарзандлари ҳар бир ишга ҳалоллик билан ёндошишган.Шунинг учун ҳам уларнинг эл орасидаги қадру қиммати баланд бўлган. Кураш мактабининг ҳар бир аъзоси, иштирокчиси ўз ҳаёти ва амалий фаолиятини муайян илмий, маънавий-маърифий одоб тамойиллари асосида қурмоғи, уларга қатъиян амал қилиши шартлиги кураш этикасининг энг муҳим талаби ҳисобланади.

Кураш бугунги кунда тили, дини, миллатидан қатъий назар жаҳон халқларининг кўнгил тўридан жой олди. Ҳеч иккиланмасдан хорижда «Таъзим», «Кураш», «Ҳалол», «Ёнбош», «Чала», «Ғирром» каби ўзбек сўзларидан фойдаланмоқдалар. Истиқлол шарофати ҳамда Кураш мутасаддиларининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари боис бу спорт тури тобора оммавийлашмоқда.

Апрел ойининг учинчи ўн кунлигида кўҳна Термиз шаҳрида ал Ҳаким ат-Термизий халқаро турнири ўтказилаётганлиги ҳам Курашга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бораётганлигининг яққол мисолидир.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам.

Таҳририятдан:

Халқаро турнир олдидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси ва Кураш Халқаро ассоциацияси ўртасида миллий ғурур, миллий руҳ ва миллий истиқлол йўлида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланиши кутилмоқда.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ КЕРАК

Суҳбатдошимиз-Хайринисо Мирзажонова. 1947 йилда Тошкент шаҳар Бектемир туманида туғилган. Мутахассислиги-химбиолог. Бир неча йиллар мобайнида турли раҳбар лавозимларида ишлаб келган. 2004 йилдан буён Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясиТошкент шаҳар кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Куни кеча ЎзМТДП Марказий Кенгашининг раиси ўринбосари этиб тасдиқланди. «Шуҳрат» медали соҳибаси.

–Хайринисо опа, ЎзМТДПнинг фаол етакчиси сифатида бу партиянинг сайловдан олдинги ва ҳозирги мавқеи ҳақида нималар дея оласиз?

–Партиямиз ўз номи билан миллатнинг асл ватанпарвар, садоқатли ва фидойи фарзандларини тарбиялаш, асрий анъаналарга содиқлик ва собитқадамлик йўлида иш юритади. Бизнинг сафда турли соҳа кишилари бор. Уларни бир хил эзгу мақсад, зиёли деган улуғ ном бирлаштириб туради.

Сиз назарда тутаётган ҳолат юзасидан гапирадиган бўлсак, таққослаб кўришга бироз эртароқ, назаримда. Олдиндаги вақт, ишга сидқидилдан муносабат беради бу баҳони. Сайловолди дастурида ёзилган гаплар, режалар қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳаммамиз ҳамжиҳатликда иш кўришимиз зарур. Режадаги масалалар аниқ, уларни бирин-кетин амалга ошириш керак, холос. Энг муҳими, халқ билдирган ишончни оқлаш керак! Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 11 нафар депутатларимиз ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайланган аъзоларимиз бу масъулиятли вазифага жиддий ёндошишмоқда. Партиянинг эртанги мавқеи биз-барча партиядошларнинг яхши фаолият юритишимизга боғлиқ.

–Аёл киши учун ҳам оила, ҳам қизғин сиёсий фаолият оғирлик қилмайдими?

–Кўникиб кетганман. Ҳам оила, ҳам давлат ишини ўз вақтида уддалаш, тенг олиб боришнинг қийинчилиги бўлади, албатта. Барибир бошқача яшолмасдим. Эпини қилиб, ҳаммасига улгуриш мумкин экан. Ишда раҳбар бўлсангиз, оилада уй бекасига айланасиз. Меҳнат дафтарчамни варақлаб кўрсам, 30 ёшдан раҳбарлик фаолиятимни бошлаганман эканман. Бектемир тумани Халқ таълими бўлимида мудирлик қилдим, 90-йиллардан бошлаб, ўн йилга яқин туман ҳокимининг муовини, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида, 2004 йилгача 5 йил давомида Республика Хотин-қизлар қўмитасида ишладим. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб ЎзМТДП шаҳар кенгашига ишга ўтдим. Буларни балки, санаб ўтиш осондир. Лекин сиз айттанингиздай, қийинчиликлари бисёр. Бироқ ҳаммаси аёлнинг сабрига, иродасига боғлиқ, менимча.

– Бугунги кунда ўзбек аёлларининг жамиятда тутган ўрни қай даражада деб ўйлайсиз?

–Кўпчилик аёл кишининг ўрни уйда бўлиши керак, деган фикрда. Бу фикр бирёқламадек туюлади менга. Бир-гина бизнинг партиямиздаги аёлларни олайлик. Сафимизда Олий Мажлис депутатлари Шарифа Салимова, Мунира Қориева, партиямизнинг етакчилари Жаннатой Тошматова, Лола Саидова каби бир қатор аёлларимиз бор-ки, улар оилада ҳам, жамиятда ҳам фаол. Халқимизда «эпласанг элакда сув туради», деган гап бор. Хотин-қизларимиз бугун нафақат бошқа соҳаларда, балки сиёсат майдонида ҳам ўз муносиб ўринларига эга. Тўмарису Нодирабегимларнинг авлодлари фақат рўзғор ишлари билан овора бўлиб қолмаяпти бугун. Аслида даврнинг талаби ҳам шуни тақозо этмоқда. Дунёдан бохабар она фарзандига ҳам ўз руҳиятидан келиб чиқиб тарбия беради. **Миллатнинг келажаги оналарнинг нақадар уқувли бўлишига боғлиқлигини мен шундай тушунаман.**

–Дунёдан бохабарлик-илм. Китоблар ҳам илм олиш учун бир восита. Демоқчиманки, қандай асарларни, қайси мавзудаги китобларни ўқийсиз?

–Болаликданоқ китобларга меҳрим бошқача эди. Ўйлаб қарасам, китоблар менинг доимий ҳамроҳларим экан. Ўқувчилик йилларидан то ҳозиргача йиққан китобларимдан шахсий кутубхона ташкил қилганман. Ўзим севган асарларни китоб жавонимга қўшиб қўяман. Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимовнинг деярли барча китоблари бор, бу асарларни такрор-такрор ўқийман. Лермонтов, Пушкин каби рус шоирларининг шеърларини аслиятда ўқиганга нима етсин. Кутубхонамдаги 700дан ортиқ китобларимни соғиниб ўқийман ҳамиша.

–Оилани кичик ватан дейишади. Сир бўлмаса, оилангиз ҳақида...

–Оилам-менинг бахтим. Тўрт нафар фарзандим, ўнта неварам бор. Ота-онам ўн фарзанднинг барчасини ўқитиб, олий маълумотли қилишган. Турмуш ўртоғим ва мен ҳам болаларимизнинг олий маълумотли бўлишларини истаганимиз ҳолда, уларни ўзлари ёқтирган касб эгалари бўлишларига қарши бўлмадик. Катта қизим отасининг изидан бориб, муҳандисликни танлади. Катта ўғлим спорт соҳасига қизиқди. Яна бир қизим вилоят ҳокимлигида мутахассис, кичик ўғлим эса тадбиркорлик билан шуғулланади. Ота-онанинг энг катта бахти боласининг камоли. Турмуш ўртоғим иккимиз ҳамиша фарзанду набираларнинг дуойи жонидамиз.

–Хайринисо опа, шу йилнинг 3 июнида ўтказилиши мўлжалланаётган ЎзМТДПнинг ўн йиллик тўйи олдидан тайёргарликлар қандай бормоқда?

–Бу борада партия Марказий Кенгаши тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Шу режа асосида республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида маҳаллий кенгашларимиз томонидан доимий тадбирлар ўтказилиб бориляпти. Партиянинг фаолияти, амалга ошираётган ишлари ҳақида жойлардаги оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиняпти. Бевосита шаҳар кенгашининг тайёргарликлари тўғрисида гапирсам, биз шаҳримиз маҳаллаларида, ўқув юртларида бир қатор учрашувлар ташкил қилмоқдамиз-ки, бунинг натижалари партиямиз сафи илмли, серғайрат ёшлар билан кенгаяётганида яққол кўринмоқда. Шундай учрашувлардан бирини куни кеча «Новза» маҳалласида ўтказдик. Ундан олдинроқ «Сузук ота» маҳалласида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, Тошкент Ахборот технологиялари институтида ташкил қилгандик. Бундай тадбирларни пойтахтимизнинг Собир Раҳимов, Яккасарой, Юнусобод, Ҳамза туманларида ҳам ўтказишни мўлжаллаганмиз. Олдинда режалар, мақсадлар мўл.

Бу кунларда барча партиядошлар байрам кайфиятида десам, муболаға бўлмас. Бу йил ўн йиллик тўйи нишонланаётган жонажон партиямизнинг халқимиз олдида юзи ёруғ бўлиши барча партиядошларнинг бош мақсадимиздир!

Зумрад ВАҲОБОВА
суҳбатлашди.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Маърифат» ва «Миллий тикланиш» газеталари таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини

«Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз»

иншолар танловига таклиф этади!

Ўзбек тилидек бой ва жозибадор тил Ватанимиз мустақиллиги йилларида том маънода қайта туғилди. Она тилимиз дунё миқёсларидаги нуфузли ва мўътабар минбарларда янграмоқда.

Олис хориж диёрларидан ташриф буюрган ажнабий меҳмонларнинг соф ўзбек тилида сўзлаши эндиликда оддий ҳолга айланмоқда. Эътиборлиси шундаки, юртимизда истиқомат қилаётган турфа миллатга мансуб ватандошларимиз ҳам ўзбек тилини она тилидек севишади, ардоқлашади.

Ўзига хос ижодий мубоҳасага айланажак ушбу танловдан кўзланган бош мақсад давлат тилимизга бўлган ана шу ҳурмат ва эҳтиром туйғусини янада кучайтириш, ўзбек тилини давлат тили, иккинчи она тили сифатида эъзозловчи бошқа миллат ёшларининг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбия топишларига кўмаклашишдир!

Танлов шартларини эслатамиз:

Давлат тилига бўлган ҳурматингизни қандай изоҳлайсиз?

Ўзбек тилининг жозибасини қандай тасаввур қиласиз?

Фикр-мулоҳазаларингизни нечоғли эмин-эркин, жонли ва таъсирчан мисолларда баён эта оласиз?

Имло хатоларига йўл қўймайсизми?

Ижодий танлов якунларига кўра:
I-ўринга — 150 минг сўм.
II- ўринга — 100 минг сўм.
III-ўринга — 50 минг сўм.

Ижодий танлов совриндорларини эсдалик совғалар кутади.

Танлов ғолиблари 2005 йил октябрь ойида — Тил байрами кунлари эълон қилинади.

Мурожаат учун:Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси 32-уй.
«Маърифат» газетаси — **133-50-55, 133-33-38;**
«Миллий тикланиш» газетаси — **133-67-51, 136-58-73, 136-58-80.**

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми 2005 йил 15 апрел, соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16-уйда жойлашган Миллий Матбуот Марказида бошланади.

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ҲУЗУРИДА

ЭЛНИНГ САДОҚАТЛИ ФАРЗАНДИ

Ўрганилмаган фан ечилмаган жумбоққа, жавоби топилмаган саволга ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак, унинг сирлилиги ҳам зерикарлидек туюлаверади. Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, аслида ўша фан ҳақида бошланғич тасаввурларингиз бор, холос. Деярли ҳеч нарса билмайсиз, қизиқмайсиз. Кўп нарсани билмаганингиз учун ҳам ҳаётингиз учун аҳамиятли бўлган соҳага бепарвосиз. Масалан, «Микробиология ҳақида нималарни биласиз?» деган савол берилса, кўпчиликнинг жавоби икки–уч оғиз гапдан нарига ўтмайди.

— Тупроқ қилаётган ишларимиздан норозилигини бизга айтолмайди,— дейди суҳбатдошим Заҳро Аҳмедова.— Биз табиат билан шафқатсизларча муносабатда бўламиз. Ерга тушган меҳримиз ҳам шахсий манфаатларимиз билан чегараланиб қолади. Биз ташлаётган чиқиндиларнинг ҳаммаси ҳам тупроқнинг таркибига қўшилмайди, микроорганизмлар таъсирида парчаланган жисмлар орадан юз йил вақт ўтгачгина тупроққа айланиши кўпчилик билмаса керак. Кўпинча эккан нинҳолимиз кўкармай қолса, бунинг сабабини ахтарамиз. Экиндан ўзимиз истагандек ҳосил ололмай қолсак–да, ўйлаб ўтирмасдан яна ерни дорилашда давом этаверамиз. Ҳамма ишларимизни жимгина кузатиб турган тупроқ бизга шу йўсинда жавоб қайтараётганини сезмаймиз. Баъзида эса билиб туриб ҳам билмасликка оламиз. Ернинг ҳансираб нафас олаётганини тушунмай, табиий ўғитларни ишлатиш ўрнига кимёвий ўғитлашга зўр берамиз. Ана шундай қилиб, тупроқни заҳарлаймиз. Бундан ташқари, кузатиб кўрган бўлсангиз, кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда полиэтилен маҳсулотларидан фойдаланамиз. Уларни яроқсиз ҳолга келгач, ташлаб юборамиз. Бундай буюмларни ёқсангиз, ўзидан ёқимсиз, тирик организмлар учун ўта зарарли ҳид чиқаради. Буни қарангки, микроорганизмлар ҳам уни йўқота олмас экан. Хўш, нима қилиш керак?! Бу муаммолар ҳақида ким ўйлайди? Бизнинг соҳа кишилари микроорганизмлар ферментлари ёрдамида чиқиндиларни қайта ишлаш, зарарсизлантириш, улардан фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Дарҳақиқат, бежизга илм ўрганишни игна билан қудуқ қазишга менгзашмайди. Билимлар салтанатига олиб борадиган йўл толиби илмдан кўнгли кенгликни,— машаққатларга бардошли бўлишни талаб қилади. Умрини фанга бағишлаган, ярим асрлик ҳаёт йўлини босиб ўтган олима аёлнинг умр дафтарини биргаликда варақлаймиз. Мақоламиз қаҳрамони — биология фанлари доктори Заҳро Аҳмедова ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти «Микроорганизмлар ферментлари» лабораториясида мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Ўз касбини катта меҳр билан севган бу зиёли аёлнинг ЎзМТДПнинг сайловолди йиғинларидаги маърузаларини эшитган бўлсам–да, яқиндан танимасдим. Яқинда у кишининг элликлик ёшлик таваллуд кунлари муносабати билан ўтказилган илмий кенгаш мажлисида қатнашиб, Заҳро Аҳмедовани ўйлантираётган муаммоларни газетхонларимиз билан ўртоқлашиш зарурлигини англадим.

— Партиямиз аъзоларининг ярмидан зиёдроғини аёллар ташкил қилади,— дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов.— Уларнинг кўпчилиги олима аёллар. Заҳрохон ҳаммамиз ҳавас қиладиган партия фаолларидан. Мана шундай мураккаб бир соҳада илмий даражаларга эришиш ҳам катта меҳнат, сабр талаб

қилади, албатта. Заҳро Аҳмедовага бу йўлда омад тилаймиз.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова ҳам самимий дил сўзларни айтди. Тадбирда олиманинг ҳамкасблари, бир гуруҳ дўстлари иштирок этиб, илиқ фикрлар билдиришди.

Тупроқ қилаётган ишларимиздан норозилигини бизга айтолмайди.Биз табиат билан шафқатсизларча муносабатда бўламиз. Ерга тушган меҳримиз ҳам шахсий манфаатларимиз билан чегараланиб қолади.Биз ташлаётган чиқиндиларнинг ҳаммаси ҳам тупроқнинг таркибий қисмига қўшилмайди, микроорганизмлар таъсирида парчаланган жисмлар орадан юз йил вақт ўтгачгина тупроққа айланишини кўпчилик билмаса керак.

21 ёшида, Тошкент давлат университетининг биология–тупроқшунослик факультетини аъло баҳолар билан тамомлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига ишга таклиф қилинган Заҳро Аҳмедова бу ерда тадқиқотчи–изланувчи вазифасида иш бошлаган экан. Орадан бир йил вақт ўтгач, уни Россия Фанлар Академиясининг биохимия институтига малака оширишга жўнатишди. Аспирантурани тамомлаган ёш олима 1984 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилди. Микробиология институтида илмий ходим, катта илмий ходим бўлиб қизғин фаолият юрита бошлади. 1991–94 йилларда Россия Фанлар Академиясининг Микроорганизмлар физиологияси ва биохимияси институти докторантурасида таҳсил олди. 1999 йилда Заҳро Аҳмедова биология фанлари доктори илмий даражасига эришди. Олиманинг бевосита раҳбарлигида учта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ҳозирги кунда Заҳро Аҳмедованинг бир гуруҳ истеъдодли шогирдлари бор. Олиманинг амилолитик ферментлар борасидаги изланиши натижалари Қўқон, Андижон, Янгийўл шаҳарларида жойлашган спирт ишлаб чиқариш корхоналарида синовдан ўтказилган. Айни вақтда у озиқ–овқат саноати учун долзарб бўлган гликолитик ферментлар, уларнинг турли молекуляр формалари, таъсир қилувчи субстратлар ва ферментатив катализ механизмларни аниқлаш, базидиал ва микроскопик замбуруғлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинлари ва саноат қолдиқларини қайта ишлаш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Заҳро Аҳмедова Тошкент кимё–технология институти билан доимий ҳамкорлик қилиб келади,— дейди институт жамоаси номидан сўзга чиққан доцент Шарифа Ҳакимова.— Бу аёлни институтимиз жамоаси нафақат билимдон олима, балки камтар инсон, гўзал ва хушфеъл аёл, меҳрибон она сифатида яхши биладилар. Кўп йиллик самарали меҳнати туфайли Заҳрохон моҳир педагог даражасига эришди. Издошлари учун ўрнак бўлишга арзигулик ишлар қилди. Эл–юрт учун садоқат билан хизмат қилаётган бундай фидойи инсонлар кўпайишини истаймиз.

— Шогирдларим бугунги кунда озиқ–овқат саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва медицина биотехнологияси бўйича янгиликлар яратишмоқда,— дейди Заҳро Аҳмедова мамнуният билан.— Уларни кўриб, талабалигим, институтга биринчи ишга келган кунларим ёдимга тушади. Шу соҳани танлашимга сабаб бўлган манба–табиат. Талабаликда Сижжак қишлоғида амалиётда бўлганмиз, шу давр баҳона бўлиб, биологияга меҳрим янада ортгани кечагидек эсимда. Табиатнинг ҳали инсоннинг ақли етмаган сир–синоатлари кўп.Табиатни севмаган кишига ҳаёт бирмунча зерикарли туюлади. Болаликдан табиийликни яхши кўраман. Ўқувчилик йилларимда ҳамма фанларга қизиқардим.5–синфда ўқиётганимда она тили фанидан тутган дафтаримнинг устига филология фанлари доктори Заҳро Аҳмедованинг дафтари, деб ёзиб қўйганим эсимда. Синфдошларим ҳазиллашиб «академик» дейишарди мени.Буни қарангки, йиллар ўтиб филология эмас, биология фанлари доктори даражасига эришдим. Отаонам эса шифокор бўлишимни хоҳлашган. Иш жараёнида англайман, мен танлаган соҳанинг очилмаган қирралари кўп. Тиббиёт ҳам, ўқитувчилик ҳам бугун менга бегона эмас. Кўпчилик илм кишиларини «номи улуғ, супраси қуруқ» дейди. Бу бекор гап. Агар данга–салик қилинмаса, ҳар бир соҳада ўрганилмаган, янгиликларга бой хазиналар кўп. Уларни топиш керак, холос.

Заҳро Аҳмедова билан суҳбатимиз узоққа чўзилди.Лаборатория хонасидан чиқар эканман, ўз касбини севган инсонгина Ватанга садоқатли, эл–юртга муносиб фарзанд бўла олади, деган фикрга келдим.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Маърифат» ва «Миллий тикланиш» газеталари ҳамкорлигида ўтказиладиган

«ДАВЛАТ ТИЛИ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ»

мавзусидаги иншолар танлови

НИЗОМИ

Ўзбек тили – бой ва жозибадор тил. Асрлар давомида у янада сайқалланиб келди. Бунда, албатта, буюк ўзбек мутафаккирлари, ёзувчи, шоир ва олимларимизнинг ҳиссаси беқиёс.

Бугун тилимизнинг жаҳон минбарларида янграётгани барчамизга фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади. Эътиборлиси, юртимизда истиқомат қилаётган бошқа миллатга мансуб кишилар ҳам ўзбек тилини ўз она тилидай севишади ва ардоқлашади. Давлат тилимизни чуқур ўрганиш, тарғиб этиш бизнинг муқаддас вазифаларимиздан биридир.

Ўзбекистонлик бошқа миллат вакиллари қалбида ҳам тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни кучайтириш, ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатиш, тарғиб қилиш мақсадида «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Маърифат» ҳамда «Миллий тикланиш» газеталари таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Давлат тили – фахримиз, ғуруримиз» иншолар танловини ўтказади.

1.Умумий қоидалар

1.1 Ўзбек тилини чуқур ўрганишни тарғиб этиш, ёш авлод қалбида тилга бўлган эътибор ва муҳаббатни уйғотиш, уларни ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшиш танловнинг бош мақсадидир.

1.2 «Давлат тили – фахримиз, ғуруримиз» иншолар танлови (кейинги ўринларда «танлов» дейилади) «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Маърифат» ҳамда «Миллий тикланиш» газеталари ҳамкорлигида ўтказилади.

1.3 Мазкур Низом танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, унда иштирок этадиган ўқувчиларнинг давлат тилини билиш даражасини баҳолаш мезонларини белгилайди.

1.4. Танловда фақат таълим бошқа тилларда олиб борилади.диган мактаблар ўқувчилари Низомда кўрсатилган талаблар асосида қатнашиши мумкин.

***2.* Танловни ўтказиш тартиби.**

2.1. Танлов тўрт босқичда (мактаб, туман, вилоят, Республика босқичлари) ўтказилади.

***3.* Танловнинг 1–босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.**

3.1. Танловнинг 1–босқичи умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилади.

3.2. 1–босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

– мактаб директори;

– мактаб директорининг маънавий–маърифий ишлар бўйича ўринбосари;

– ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари.

***4.* Танловнинг 2–босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.**

4.1. Танловнинг 2–босқичи 1–босқичда ғолиб бўлган мактаб ўқувчилари орасида ўтказилади.

4.2. 2–босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

– Туман халқ таълими бўлими мудири;

– Туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири;

– Туман халқ таълими бўлими ўзбек тили ва адабиёти фани услубчиси.

4.3. Танловда ғолиблик 3 нафар ўқувчи (1, 2, 3–ўринлар) бўйича белгиланади.

4.4 Танловнинг 2–босқичини ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади. Унинг таркибига малакали фан ўқитувчилари киритилади. Ҳакамлар ҳайъатининг таркиби туман халқ таълими бўлими мудирининг буйруғи билан тасдиқланади.

5.Танловнинг 3–босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

5.1 танловнинг 3–босқичи вилоят миқёсида ўтказилади. Унда туман босқичида ғолиб чиққан ўқувчилар иштирок этади.

5.2 3–босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

– Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи;

– Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

– Вилоят халқ таълими бошқармаси Таълим маркази раҳбари.

5.3 3–босқичда ғолиблик 3 нафар ўқувчи (1,2,3–ўринлар) бўйича белгиланади.

5.4 3–босқични ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади ва унинг таркибига илғор фан ўқитувчилари, ВПҚТМОИ мутахассислари киритилади. Бу вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи буйруғи билан тасдиқланади.

6.Танловнинг 4–(якунловчи) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

6.1 Якунловчи босқич республика миқёсида ўтказилиб, унда 3–босқичда ғолиб деб топилган ўқувчилар иштирок этишади.

6.2 Якунловчи босқичда ҳам ғолиблик 3 нафар ўқувчи (1,2,3–ўринлар) бўйича белгиланади.

6.3 Якунловчи босқич ғолиблари номи ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрда эълон қилинади. Ғолиб ўқувчилар иншолари «Маърифат» ва «Миллий тикланиш» газеталарида чоп этилади.

7. Танловда қўйиладиган талаблар ва баҳолаш мезонлари

7.1 Иштирокчиларнинг танлов шартларини бажариши балларда баҳоланади.

7.2 Иштирокчиларнинг ёзган иншосига қўйиладиган максимал баҳо 100 баллдан иборат бўлиб, қуйидаги кўринишда тақсимланади:

– фикрларнинг мантиқий баён этилганлиги учун – 25 балл;

– мавзуга ўзига хос ва янгича услубда ёндошганлиги учун – 25 балл;

– мустақил фикрлаш тарзи учун – 25 балл;

– имло хатоларисиз ёзилганлиги ва ҳуснихат учун – 25 балл.

8.Танлов ғолиблари ва совриндорларини рағбатлантириш.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

КЎНГИЛ ЗИЁРАТИ — КАТТА САВОБ

Халқимиз азалдан меҳр–оқибат туйғуларини эъзозлаб келган. Эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш, беморлардан ҳол сўраш, кексаларни йўқлаб туриш ҳам савоб амаллардан саналади. Айниқса, ўрнида қилинган яхшиликка тенг келадиган эзгу иш бўлмаса керак.

Байрам, ҳайит кунларида кўнгли ярим инсонларга мурувват кўрсатиш эзгу анъанага айланган

Наврўз байрами кунларида паркентлик бир гуруҳ ногиронлар учун катта байрам дастури намойиш этилди. Туманда истиқомат қилаётган 5142 нафар ногиронлардан 300 нафарининг ҳолидан хабар олинди. Уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова сўзга чиқиб, «Ногиронлар жамияти»нинг Паркент туман бўлими томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида гапириб, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатилишини айтди. Шундан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Р.Ризаев, туман ҳокимининг муовини Д.Исломовалар сўзга чиқишди.

Халқимизда «қўли очиқнинг йўли очиқ» деган пурмаъно гап бор. Шу куни ногиронларга Республика Хотин–қизлар қўмитаси томонидан ажратилган икки ярим миллион сўмлик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши номидан ажратилган бир миллион сўмлик, Паркент туман Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маркази томонидан ажратилган ўн бир ярим миллион сўмлик совғалар, «Болалар» жамғармаси тақдим этган кийим–кечаклар, шунингдек, «Наврўз» жамғармаси томонидан юз минг сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, Республика касаба уюшмалари федерацияси ажратган икки юз минг сўмлик мурувват ёрдами ҳам берилди. Ўзбекистон Ногиронлар жамияти томонидан Сиҳатсаломатлик йили муносабати билан зарур дори–дармонлар тарқатилди. Америка элчихонаси ташаббуси билан «Коунтерпорт Интернэшнл» компанияси совға қилган энг замонавий ногиронлик аравачалари ўн кишнинг ҳаётига нур олиб кирди. Бу хайрли ташаббус ногиронларнинг кундалик турмуш шароитини яхши томонга ўзгартиришга, уларнинг саломатлигини тиклашга ёрдам беради.

«Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борки, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай»,

дея ёзган эдилар ҳазрат Навоий. Кўнгли зиёратидек савобли ишларнинг, албатта, хайрли жавоби бор.

Ўз мухбиримиз.

ҚЎЛЁЗМАЛАР-ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Тарихий манбалардан маълумки, ўтмишда Ўрта Осиёда китоб нашр қилинмаган, фаннинг қайси соҳасига оид бўлмасин, ҳамма асарлар қўлёзма нусхалар кўчириш йўли билан амалга оширилган. Бу нозик, машаққатли ҳамда хайрли иш илмли, тажрибали, истеъдодли, қўли гул ҳаттотлар томонидан асрлар давомида бажариб келинган.

Фаннинг турли соҳалари бўйича ёзилган бу қўлёзма китоблар Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларига, шунингдек, қўшни давлатларга чиқарилиб, китоб бозорларида сотилган.

Аждодларимиз томонидан турли даврларда ёзиб қолдирилган қўлёзмалар халқимизнинг ўтмиш маданияти, тарихи, адабиёти, тили ва турмуш тарзини ўрганиш учун бой, қимматли маълумотлар берувчи ишончли манба, ҳужжатдир. Туркистон халқларининг бой маданияти, илм–фанидан ҳикоя қилувчи қанчадан–қанча қўлёзма асарлар, ноёб манбалар, нодир китоблар бедарак йўқолди, ўзаро босқинчилик урушлари вақтида талон–тарож қилинди.

Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги хазиналарида сақланаётган ноёб қўлёзмалар, ҳужжатлар, тарихий китоблар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида талон–тарож қилинди ва нуфузли давлатларга катта пул эвазига пуллаб юборилди. XIX асрнинг 60–йилларидан бошлаб энг ноёб қўлёзма асарлар чет элларга турли йўллар билан олиб чиқиб кетила бошланди. Олиб кетилган китоб ва қўлёзма асарларнинг энг қимматлилари Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Эрон, Россия каби мамлакатларнинг китоб жавонларида сақланмоқда. Ноёб қўлёзма асарлар ва китобларнинг бир қисми ўз юртимизда–олимлар, маърифатпарварлар ҳамда бойлар, йирик савдогарларнинг шахсий кутубхоналарида, шунингдек, айримлари мадраса ва масжидларда сақланган. Булардан ташқари, шундай қўлёзма асарлар ва китоблар билан савдо қилувчилар қўлида ҳам анча манбалар тўпланган.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, XIX асрнинг 80–90 йилларида Бухорода 40 дан ортиқ, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 35 та, Самарқандда 7 та, Хивада 4 та, Шаҳрисабзда 2 та, Қўқонда 3 та китоб ва қўлёзма асарлар сотилаётган дўконлар бўлган.

Қўлёзма китобларни талон–тарож қилиш Туркистон ўлкасига темир йўл ўтказилгандан кейин, айниқса, авжига чиққан. Хориждан, Россиянинг Петербург, Москва шаҳарларидан келиб, Бухоро ва Самарқанд китоб бозорлари–дўконлари ва китоб савдоси билан шуғулланувчилардан нодир қўлёзма асарлар ва китобларни излаб, сўраб–суриштириб юрганлар кўпчиликни ташкил этган. Бу «китобсевар»лар маҳаллий аҳолидан ноёб китобларни сув текинга олиб, хорижда қиммат нархларда сотганлар.

Қимматли маълумотлар

АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИДАН

берувчи қўлёзма асарлардан бири «Ҳудуд ул–Олам», яъни «Оламнинг чегаралари» асаридир. «Ҳудуд ул–Олам» асари 982–983 йилларда Шимолий Афғонистондаги Ғузхон вилоятида ёзилган. Асар шу вилоятнинг ҳокими Амир Абдул Хорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағишланиб ёзилган. Форс–тожик тилида ёзилган тарихий бу асарни ўз замонасида ҳам, то XIX аср охиригача ҳам худди шу ном билан бирор кимса тилга олгани маълум эмас, ҳатто бирон рўйхатда ҳам қайд қилинмаган. Бироқ бизнингча, бу тамомила номаълум асар бўлмаса керак. Чунки асар ёзилганидан 300 йилча кейин (1258 йил) қўлёзма қайта кўчирилган, эҳтимол китоб бошқача ном билан ҳам аталган бўлиши мумкин. Аммо у илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан биридир.

Бу тарихий асар XIX асрнинг охирларигача, аниқроғи, 1892–йилга қадар илмий жамоатчиликка таниш эмас эди. Тарихдан маълумки, Бухоро бир неча асрлар давомида қадимий Шарқ қўлёзма асарлари ва нодир китоблар сотиладиган маънавият хазинаси ҳисобланиб келган. Бухоронинг тарихий обидаларини кўргани келганлар, албатта, шу ердаги китоб бозори, дўконларни кўздан кечирар эдилар. Жумладан, 1892 йили рус шарқшуноси А.Туманский Бухорога келиб Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» номли тарихий асарини топиш илинжида китоб дўконлари, ҳаттотлар, мирзолар, китобфурушларни, хонадон ва мадрасаларни қидиради. Аммо, у истаган асар топилмади.

Кейинчалик шарқшунос А.Туманскийнинг Бухорода қолган таржимони Мирза Абдул Фозил Гулпойгоний шаҳардаги бир китобфурушдан бошқа бир қўлёзмани излаб топади. Бу қўлёзма тўртта асардан иборат бўлиб, улар Муҳаммад ибн Нажиб Бакроннинг «Жаҳоннома» номли 27 варақли асари, Муҳаммад Нишопурийнинг 2 варақдан иборат мусиқа ҳақидаги асари, «Ҳудуд ул–Олам» сарлавҳали 30 варақли асар, Фахриддин Муҳаммад ар–Розийнинг «Жами ул–Улум» номли 49 варақли асарлари эди. Буларнинг ҳаммаси бар муқованинг ичига тикилган эди. Ушбу қимматли манбалар тўпламидаги учинчи қўлёзма–«Ҳудуд ул–Олам», яъни «Шарқдан Ғарбгача олам чегаралари» асарининг ким томонидан ёзилгани кўрсатилмаган. Кўчирилган йили ва ҳаттотнинг исми ёзилган, холос. Бу ноёб қўлёзма тўғрисида Мирза Абдул Фозил Гулпойгоний 1892 йилнинг 25 октябрида Петербургга хат ёзиб, шарқшунослар орасида биринчи бўлиб ахборот беради. Шарқшунос Туманский 1893 йилнинг баҳорида яна Бухорога келганида Гулпойгоний қўлёзмани унга (12 сўмга сотган) «ҳадя» қилди. Шундай қилиб, бу қўлёзма Туманскийнинг ихтиёрига ўтди. У дастлаб 1893 йилнинг 2 майида «Самарқанд» газетасида «Самарқанднинг узоқ ўтмишидан» сарлавҳаси билан, шу қўлёзмадан парча келтириб, кичик ахборот беради. 1894 йили бошқа бир шарқшунос барон В.Розен қўлёзмани бошдан–оёқ ўз қўли билан кўчириб чиқади. Шарқшунос Туманскийнинг ўзи эса, 1896 йилнинг 19 апрелида Петербургда Россия Археология Жамиятининг Шарқ бўлимида батафсил маъруза қилиб, каттагина мақола ҳам ёзади. География Фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган «Ҳудуд ул–Олам» асарининг қўлёзмаси кейинроқ академик В.Бартольд томонидан ўрганилган ва 1930 йилда китоб шаклида босилиб чиққан.

1935 йили Эронда Сайид Жалолиддин Теҳроний томонидан ушбу асарнинг форсча матни босилди. Шурқшунос В.Минорский эса бу асарни инглиз тилига таржима қилиб, уни 1937 йили Лондонда нашр эттиргган.

1983 йили Тожикистонлик олим, тарих фанлари доктори профессор А.Мухторов муҳаррирлигида «Ҳудуд ул–Олам» қўлёзма асари тожик тилида Душанбе шаҳрида босилиб чиқди.

Ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор, марҳум Ҳ.Ҳасанов ўзининг 1964 йилда нашр этилган «Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар» номли китобида «Ҳудуд ул–Олам» қўлёзма асар матнини бирмунча эркинроқ тарзда таржима қилиб, асосий мазмунини бериб, унинг илмий аҳамияти тўғрисида ўз фикрини баён этган.

Хўш, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган бу ноёб асарнинг илмий қиммати нимада?

Жами 60 боб мақоладан иборат бўлган бу ноёб қўлёзма асарда ер юзининг умумий твсифи, денгизлар, дарёлар, кўллар, тоғлар, даралар, чўллар ва ўлкалар, жаҳон мамалакатлари чегаралари, халқлари ҳақида қимматли ва муҳим географик маълумотлар бор. Яна бу қўлёзма асарда Моваро–уннаҳр вилоятларидаги шаҳар ва қишлоқлари ҳақида маълумотлар батафсил ёзилган. Шунингдек, бу асарда ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Ғарбий Хитой ерлари ҳам анча мукаммал тасвирлаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Ҳудуд ул–Олам» жаҳонинг барча мамлакатлари тўғрисидаги географик, этнографик ва иқтисодий маълумотномалар тўплами–дир.

Гулсара ОСТОНОВА,
Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

ТОПГАНИНГИЗ ОЛТИН БЎЛСИН

БИР ЎЛКА-КИ...

Марказий Осиёнинг саховатли замини неъматлари, бебаҳо маъданлари, Улуғтовнинг бой конлари, олтин сочмалари овозаси тўрт тарафдаги босқинчилик ниятида бўлганларни, айниқса, Чор Россияси юҳолари сўлагини узоқ йиллар мобайнида оқизиб келарди. Ниҳоят, жавоҳирларга бой ўлка истилоси 1730 йилдан—қозоқ жузларини забт этишдан бошланди. Марказий Осиё қулликка батамом маҳкум этилгач, темирйўллар қурилишига зўр берилди. Боиси, бу юртнинг бойликларини ташиб кетиш учун от, туялар карвонлари кор қилмас эди, хуллас, туркий халқларнинг бой заминини қўлдан чиқармаслик, уни «эмиб» ётиш илинжида 1880 йилда Марказий Осиёда биринчи Каспий орти темирйўли қурилиши бошланди. Темир излар беш йил ўтиб Ашхободга, яна бир йил ўтиб Марв, Чоржўйга етиб келди. 1888 йилда Самарқандда, 1897 йилда Қўқонда, икки йил ўтиб эса Тошкентда «оташ арава» гудоги қулоқларни қоматга келтирди. Шу—шу охири кўринмайдиган эшелонлар Чор Россияси давридa асосан пахта, пилла, мева—сабзавот маҳсулотлари, мардикорлик учун бўз йигитларни ташиб кета бошлади. Советлар даврига келиб, яъни 1920—30 йиллардан катта миқдордаги қазилма бойликларимизни ҳам ортмоқлаб кетиш тинмади. Талончилик 1940—90 йилларда авжга минди.

Даставвал, босқинчиликдан кўзда тутилган асосий стратегик мақсад ноёб табиий бойликларимизни ўзлаштириб олиш эди. Темир изларни шитоб билан ётқизишдан ҳам ният талончиликни эртага қолдирмаслик бўлган. Бизнинг бу фикримизни тарихий далилар исботлайди. «Каспий орти темир йўли Ўрта Осиёни капитал учун очиб берди» деган эди В.И.Ленин. Россия империясининг молия нозири Вишнегородский ўз даврида мамнуният билан «Ўрта Осиё—рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» дея эътироф этганди.

Россия элчиси Флорио Беневелининг подшо Пётр Iга йўллаган маълумотларидан бирида «Тоғларда олтин ва кумуш қидириш қатъиян маън этилган. Барча конлар яқинида доимо қоровуллар туради» дейилади. Табиий бойликларни ҳақиқий эгаларидан қўриқлаш нимани англатади, буни изоҳлаш шарт бўлмаса керак. Шуниси яққол тушунарли—ки, она заминимиз бағридаги турли бебаҳо бойликлар инон—ихтиёри яқин—яқингача ўзгалар қўлида эди. Жумладан, конларни қидириш, чамалаш ва заҳираларни ҳисоблаш ишлари ҳам собиқ марказнинг қатъий назорати, кўрсатмалари асосида бажариларди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, эркимизни қўлга киритдик. Барча турдаги бойликларимизнинг эгаси бўлдик. Жумладан, ерости табиий бойликларимизни қидириб топиш, ундан оқилона фойдаланиш ҳақ—ҳуқуқини қўлга киритдик. Мамлакат ривожида, келажагида, халқаро мавқеида, миллат истиқболида табиий бойликларнинг қанчалар муҳим ўрин тутиши сир эмас. Бу жиҳатдан бизнинг кўнглимиз тўқ. Президентимиз «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат!» деганида қатор омиллар билан бирга мавжуд табиий бойликларимизни ҳам назарда тутган эди, шубҳасиз. Хуллас, мустақиллик йилларида қазилма бойликларни аниқлаш, қазиб олиш, қайта ишлаш борасида ҳам ислоҳотлар давом этмоқда. Биз табиий бойликларни ўзлаштириш йўлида илк қадам қўювчилар, яъни бутун масъулиятни ўз зиммаларига олиб, замин қаъридаги маъдан, унинг сифати, миқдори, қайта ишлаш технологияси тўғрисида мукаммал маълумотлар берувчи, хулосаларини илмий асослаб, кончиларга оқ фотиҳа берувчи геологлар ҳузурида бўлдик.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси таркибидаги «Самарқандгеология» Давлат геология корхонаси узоқ тарихий мактабга, илмий салоҳиятга эга бўлган улкан жамоа ҳисобланади. Корхонанинг бош директори Мусин Каримов суҳбатимиз чоғида қуйидагиларни гапириб бердилар:

—«Самарқандгеология» Давлат корхонаси ғарбий ва жанубий Ўзбекистон ҳудудларида, яъни Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида қидириш, чамалаш, заҳираларни ҳисоблаш ишларини олиб боради. Жамоамиздаги фидойи ходимларимиз изланишлари самараси ўлароқ республикамиз хом ашё базасини кенгайтириш, мустаҳкамлаш йўлида қатор ютуқларни қўлга киритяпмиз. Янги—янги олтин, кумуш, вольфрам, темир, марганец, камёб металлар, руда фойдали қазилма ва қурилиш материаллари конлари очилиб, заҳиралари ҳисобланиб, мамлакатимиз саноат корхоналарига топширилмоқда.



Ўтган 2004 йилда «Самарқандгеология» Давлат геология корхонаси томонидан ғарбий ҳамда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида 76 лойиҳа асосида геологик қидирув ишлари олиб борилди. Жумладан, шимолий Нуротада Ғужумсой, Қоровулхона, Қоратош, Қорақудуқ, Маржонбулоқ, жанубий Нуротада Сармич, Мавлон, Зиёддин, Зирабулоқ тоғларида Қорақўтон, Бешқудуқ конлари чуқур қатламларида изланишлар олиб борилди. Можар ва Тиллатоғ майдонларида, Томдитов тоғларида, Мютанбай, Триада, Байантау, Томдибулоқ маъданли майдонларида геологик қидирув ишлари давом эттирилди. Бундай маъданли майдонлар номини яна санайвериш мумкин.

Мусин Бобоқулович геологларнинг заҳматли, айни дамда шарафли изланишлари тўғрисида гапирар экан, апрел ойида соҳа эгалари фаолиятида янги мавсум бошланишини таъкидлаб ўтди. Бундан буён кон қидирувчилар ҳаётида олтин воҳалар билан тиллашиш бошланади. Уларни касбларига бўлган меҳргина рўзғори, бола—чақасидан узоқларда тоғу тошлар, чўлу биёбонларда неча—неча ойлаб ушлаб қолади. Турли вазият, ноқулай об—ҳаво шароитларида чекилган заҳматлар, ер қаърига қайта—қайта мурожаат этишларнинг баъзан тушкун кайфиятлари ғалвир сувдан кўтарилиб, изланишлар самараси исботини топганида унут бўлади. Гарчанд чўнтагида бир мисқол тилласи бўлмаса ҳам, олтин конларини аниқлаб, бор ҳисобкитоби билан давлатига топширган кишининг қувончини фақат геологларгина ҳис қилишлари мумкин.

Корхона бош геологи, бош директор ўринбосари Илҳомжон Ҳамроев геологларни «ҳақиқий ижодкор кишилар, табиат, она заминни кашф этувчилар» деб айтади. Ватанимиз сарҳадларининг турли конларга бойлигини, неча—неча авлодларга хизмат қилишини, шунинг учун ҳам соҳани ривожлантириш, янги кадрлар билан таъминлаш долзарб вазифа эканини қуйиниб гапираркан, жумладан шундай деди:

—Геологлик касби ҳам жисмонан, ҳам ақлан уйғун жиҳатни талаб қилади. Соҳада тасодифий кириб қолганлар ишлай олмайди. Яна ҳам очиқроқ айтадиган бўлсак, ерни, тоғу тошларни, чўлу биёбонларни сева олган, ҳар бир гиёҳ, жонивор билан тиллаша оладиган кишиларгина ҳақиқий геолог бўла олади. Соҳада қайсики таниқли мутахассис, олим, ўзи турган ҳудуднинг энг чуқур қатламларида қандай бойликлар мубҳам ётганини ҳис қила оладиган дарға етишиб чиққан бўлса, барчаси, даставвал, она ер фарзандлари бўлишган. Улар туғилган дамларида онаси—дан аввал қучоғига олган заминни қадрлаган, ундан узилмаган. Устоз геологлар Ҳ.Тиллаев, Воронков, Фёдоров, Қ.Собиров, Л.Журавлёв, Ҳ.Авезметов, В.Гвиздонлар шулар жумласидандир.

Жамоамизда айни дамда ҳам Б.Климинко, А.Рустамов, Т.Пирназаров, А.Галовко, И.Туропов, Ҳ.Жўраев, Н.Тошкенбоев каби тажрибали, илмий салоҳияти баланд устоз ҳамкасбларимиз талайгина. Шу боис фахр билан айта оламиз—ки, дунё геологлари даврасида пешқадаммиз, ўз мавқеимизга эгамиз.

Корхона бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ортиқ Мустанов ишчи ходимларга яратилаётган бир қатор имкониятлар, имтиёзлар хусусида гапирди.

Унинг сўзларидан англаш мумкин эди—ки, жамоада инсон қадр—қиммати ўрнига қўйилмоқда. Айниқса, корхонада меҳнат қилиб нафақага кузатилганлар, хасталикка чалинганлар, оиласида ногиронлари бўлганлар, бошига оғир мусибат тушганлар ёлғизлатиб қўйилган эмас. Айни маҳалда бугун фаол ишлаётган, изланаётганларнинг ҳурмати ҳам ўрнига қўйилмоқда, бироқ...

Бироқ биз жамоа аъзоларининг кўпчилиги, соҳа фахрийлари билан суҳбатимиз асносида уларнинг кўнглида орзулар бисёр эканлигини англадик. Хусусан, барча геологлар ўзларининг касб байрамлари бўлишини орзу қилишади. «Мустақилликка эришиб, байрамларимиз янгича мазмун, шукуҳ касб этиб қолди. Минг қатла шукур—ки, ҳар кунимиз байрам. Байрамларимиз қаторига бизнинг касб байрамимиз ҳам қўшилса, нур устига аъло нур, қадримиз эътирофининг рамзий маъноси бўлиб қоларди» дейди корхона ҳуқуқшуноси Сурайё Мелиева.

Хуллас, ўлкамиз сарҳадларига бир аср муқаддам ётқизилган темир излардан ҳамон поездлар қатнамоқда. Шукроналик шунда—ки, эшелонларда ўлкамиз бойликлари ўн беш йилдир—ки ташиб кетилмаяпти. Бойликларимиз фақат Ўзбекистон халқи учун хизмат қилмоқда. Шу боисдан, геологларимизнинг кайфияти яхши, мавсумни кўтаринки руҳда бошлаб юбордилар.

Топганингиз олтин, ортирганингиз обрў бўлсин, азизлар!

Ўз мухбиримиз.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

«БОТИРЖОН САВДО»НИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодини хилма-хил мулк шакллари ташкил этади. Қонунларимиз барча мулк шаклларини муҳофаза этади. Ишлаб чиқарувчилар, мулкдорлар, хуллас барча-барча фуқаролар даромад қилар экан, унинг маълум қисми солиқ учун чегириб қолинади. Солиқлар давлатимиз қудратини ошириш, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш, фарзандларимиз таълим-тарбияси, тинчлик-осойишталикни таъминлашга сарфланади. Шунинг учун ҳам Бош Қомусимиз — Конституциямизда «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», дейилган. Шубҳасиз, тушумлар иқтисодимиз ривожига боғлиқ. Солиққа тортиладиган базалар кенгайиб борса, солиқ юки камайиб бориши шубҳасиз. Солиқлар умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилади ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда молиявий манба вазифасини бажаради.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқдан қочиш мақсадида товар айланмаларини расмий ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмасдан иккита бухгалтерия ҳисобини юритиш, давлат улуши мавжуд бўлган корхона мансабдор шахслари хусусий фирмаларга сохта шартномалар асосида пул маблағларини кўчириб, ўзлаштириш, акциз солиғи солинадиган товарларни республика ҳудудига ноқонуний олиб кириш ва махсус рухсатнома олмасдан сотиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида ҳукуматимиз чоралар кўрди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, хуфёна фаолиятни фош этишга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Юқорида зикр этилган меъёрий ҳужжатларнинг яна бир асосий жиҳати солиққа тортиладиган базаларни кенгайтириб, давлатга етказилган зарарларни тўлиқ ундиришга катта эътибор берилганидадир.

Мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун кенг имкониятлар, ҳуқуқий асослари яратилган. Янги иш ўринлари очиб, меҳнати орқасидан яхшигина даромад қилаётганлар сони ортиб бораётир. Аммо, аччиқ бўлса-да очиқ гапни айтиш керак. Фирма ёки хусусий корхона очиб ишлаётганлар орасида шерикларига панд бераётган, давлат олдидаги бурчини унутаётганлар ҳам учраб турибди.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Ботиржон савдо» хусусий фирмаси раҳбари Ботиржон Муллажонов ҳақида катта фельетон ёзса арзийди. Негаки, у юлдузни бенарвон ураман дейдиганлар тоифасидан экан. «Фирмач» 2003 йилнинг январь-март ойларида 1 миллиард 600 миллион сўмлик ноқонуний товар айланмасини амалга оширган. Муллажоновнинг бир ўзи шунча ишни қилган десак, ишонасизми?

Фирмада кўплаб қонунга зид ишлар, нотўғри операциялар амалга оширилган. Асосан давлат ва хусусий корхоналарга хизматлар кўрсатиб, уларга бутловчи қисмлар етказиб берамиз, дея пулни шақиллатиб ҳисоб рақамига тушираверган фирма раҳбарини ҳеч иккиланмасдан сеҳргар дейиш мумкин. Қисқа вақт ичида давлат ташкилотларидан «у заказингизни қойиллатиб бажараман, бу заказингизни дўндириб ташлайман», деб лақиллатиб 522 058 500 сўмни «ундириш»нинг ўзи бўладими?

Хусусий корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳаракатини ҳам оқлаб бўлмайди. Улар «мушкулимизни окахонимиз осон қилади», деган умидда «Ботиржон савдо» ҳисоб рақамига 1 миллиард 101 миллион сўмдан зиёд пулни ўтказиб беришган. Маблағ етарли. Энди бизнесни «гуллатса» бўлади. Бирни ўн қилишнинг айни фурсати. Бошқаси билан нима иши бор унинг. Шундай қилиб, шерикларга берилган ваъдалар унутилди, буюртмалар эсдан чиқди. 1 миллиард 600 миллион сўм тезда харидоргир, бозори чаққон тамаки ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ўтказилди. Омад дегани шу бўлса керак. Қўлга жарақ-жарақ пул тушиб турибди. Ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Дарвоқе, Ботиржон анча «сахий» экан. Солиқ ва бошқа тўловлар учун дарёдан томчидек атиги 253 000 сўм тўлабди. Ковлаковлада маълум бўлдики, давлат бюджетига тўланадиган солиқ миқдори оз эмас, кўп эмас 86 000 000 сўм экан! Яна бир гап. Миллионлаб сўм нақд пул кассага эмас киссага тушаверган. Тўғри, фирма раҳбари «мардлик» қилиб 5 689 800 сўмни банкка топширган. Аммо бу билан қинғир ишларни ёпиб бўлмас экан. Ҳужжатлар ҳар қандай қонунга зид ишни ошкор этади. Эҳтимол, Ботиржон Муллажонов «операция»ни бошлаганида ким билиб ўтирибди, билиб қолишса «текислаб» юбораман, деган хаёлга борган ҳам бўлиши мумкин. Лекин кўп ўтмай фирма раҳбари қаттиқ адашгани маълум бўлди. Текширишда «Ботиржон савдо»даги ажаб «савдо»лар сири очилди. «Қинғир иш—келтирар ташвиш», деб бежиз айтилмаган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Интизомли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, уларга имтиёзлар бериш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Вақтида давлат олдидаги фуқаролик бурчини бажарганларни қўллаб-қувватлаб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатсак, бунинг фойдаси катта бўлади.

Гапнинг лўндасини айтганда, иқтисодиёт ва солиқ соҳасига оид қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида Департамент органлари томонидан изчил тадбирлар ўтказилаётир. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Ҳар бир фуқаро шуни чуқур англаши керакки, иқтисодимиз Қанчалик тез ривож топса, мамлакатимиз равнақ топиб бораверади.

Комил ТЕШАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходими.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПОЧТАСИДАН

МАДАД КУТАЁТГАН ДЕНГИЗ

Мана, бир неча йилдирки, Орол денгизи муаммосини ҳал этиш борасида нуфузли анжуманларда, турли хилдаги учрашувлар ва тадбирларда сўз юритиб келинмоқда. Бу масала нафақат бир мамлакатга тегишли эканлиги, балки бутун жаҳон оммаси олдида турган энг глобал муаммолардан бири бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз ҳукуматининг ушбу масалага жиддий эътибори туфайли бу борада шу вақтгача бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Оролбўйи аҳолиси саломатлигини тиклаш йўлида ҳар йили амалий тадбирлар қўлланмоқда.

Манбаларда айтилишича, иқлимий ўзгаришлар натижасида Орол денгизи сувининг сатҳи йиллар давомида ўзгариб турган. Масалан, 1785 йилдан денгизда сув сатҳи кўтарила бошлаган бўлса,1825 йилга келиб пасайган, 1885—50 йилларда эса яна кўтарилиб, 1862 йил озайган. Денгизнинг майдони 1919 йилда 67300 километрни ташкил қилган, сув мавжуд бўлган майдоннинг миқдори эса 1087 километрга тенг бўлган. 1935 йилга келиб майдон 69670 километрга етган, сувнинг миқдори 1153 километрга кўпайган. Орол денгизида сув сатҳининг йил давомида мана шундай ўзгариб туриши Амударё ва Сирдарёнинг баҳор—ёз ойларида тошиши билан боғлиқ дейилади. Денгизнинг сув ости ҳайвонот дунёси 1911—1960 йилларда жуда ҳам бой бўлган. Лекин афсуски, йиллар ўтиши ва сув сатҳининг давомли камайиши билан ўз—ўзидан сув ости ҳайвонот дунёсининг ҳам сони тушиб борган. Мисол учун, денгизда навигация мавсуми етти ой давом этган. Аральск ва Мўйноқ каби йирик портлар ҳам фаолият кўрсатган. Аҳолининг асосий қисми балиқчилик ва қисман чорвачилик, ондатра урчитиш билан шуғулланган. Айни пайтда Орол денгизи уч бўлакка бўлинган. Биринчиси, кичик ва саёз, иккинчиси, нисбатан каттароқ майдонга эга, аммо у ҳам саёз, учинчиси эса чуқур ҳисобланган ғарбий қисмдир.

Табиийки, сувнинг озайиши билан сўнгги йилларда бу ҳолатда ҳам салбий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Қисқасини айттанда, илгарилари одамларнинг каттагина фойда манбаига айланган денгиз энди мадад кутиб ётибди.

Орол фожиасини, муаммосини ҳеч қачон унутмаслигимиз, бунга кенг жамоатчиликнинг доимий эътиборини қаратишимиз керак. Балки яқин келажакда денгизда сув сатҳи янада кўтарилиб, орзумизга етармиз.

Шерали ИБРАГИМОВ,
Тошкент Молия институти талабаси.

«ЎЗПАХТАСАНОАТ» КОРХОНАЛАРИДА

ЧОРТОҚ ТОЛАСИ

Наманган вилоятининг Чортоқ тумани бетакрор гўзаллиги ва сўлим табиати билан ҳамиша ўзига мафтун айлаб келган. Чортоқ тумани нафақат ўзининг тилга тушган сиҳатгоҳи билан, балки меҳнатсевар, фидойи инсонлари билан ҳам донг таратган. Биз бугун шундай жонкуяр инсонлар меҳнат қилаётган «Чортоқ тола» ҳиссадорлик жамияти ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

Жамият ҳовлисини айланар экансиз, атрофни ўраб турган боғ, турфа бўйлар таратиб турган гулзордаги чечаклар баҳри—дилингизни очади. «Чортоқ тола» ҳиссадорлик жамияти бугунги кунда вилоятда илғор жамоалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ушбу жамият Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари ширкат хўжаликлари ва фермер хўжаликлари билан шартномалар тузиб, етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида қабул қилиб олиб, қайта ишлаб келмоқда. Ўтган йилнинг ўзида жамият томонидан 5500 тонна ўрнига 5505 тонна чигит, 300 тонна ўрнига 305 тонна момиқ олинди. Қабул қилинган пахта хом ашёсининг сифати юқори бўлгани боис олинган даромад миқдори ҳам ошди. Ўтган йил якунларига кўра ҳиссадорлик жамияти ўн саккиз миллион сўм соф фойда олди. Тола олиш миқдори ҳам йилдан—йилга ортиб бораётир.

Биз жамият раиси Зокиржон Турғуновни суҳбатга тортдик.

—Албатта, одамларнинг яхши меҳнат қилишлари учун уларга етарли шарт—шароитлар мавжуд бўлиши керак. Жамиятимизда 400га яқин одам иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг 100 нафарини аёллар ташкил этади. Бу ерда ишчилар учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилганмиз. Биз бу йилги ҳосил учун пахтакорларимизга сифатли уруғлик етказиб бердик.

Ишчиларни бепул иссиқ овқат, махсус иш кийимлари билан таъминлаш йўлга қўйилган. Шу билан бирга ёрдамчи хўжалик томонидан етказиб берилган мева—сабзавотлар мунтазам равишда тарқатилиб борилади. Ишчиларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида уларни навбат билан сиҳатгоҳларга юбориш ва фарзандларини ёз ойларида оромгоҳларга жойлаштириш ишлари йўлга қўйилган. Жамият ҳудудида ташкил қилинган чорвачилик фермаси эса ишчиларнинг сут ва сут маҳсулотлари ҳамда гўштга бўлган талабини доимо қондириб келмоқда. Бундан ташқари, ишчилар учун замонавий услубда қурилган ҳаммом, медицина пункти, нонвойхона хизмат кўрсатиб келмоқда. Биз жамият касаба қўмитаси раиси Валижон Абдумажидов билан суҳбатлашганимизда, у жумладан, шундай деди:

— Биргина ўтган йилнинг ўзида ишчилар учун ажратилган моддий ёрдам икки миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳам бўлса ишчиларнинг ўз меҳнатларига яраша кўрсатилаётган эътибордан далолат беради. Жамиятимизда ишчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Илғор ишчилар касаба уюшмаси томонидан доимо рағбатлантириб турилади. Ҳиссадорлик жамиятининг ривожига ўзининг меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётган ишчиларимиздан созловчилар Собитхон Парпиев, Аҳмаджон Умрзоқов, жинчи Маҳаммаджон Сидиқов, линтерчи Камолхон Ҳамроев, лаборантлар Жамила Дадамирзаева, Анорхон Абдумажидова ва ҳисобчи Ўғилхон Шамсиддиновалар кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Қаердаки ишчи-хизматчиларга эътибор кучли бўлса, ўша жойга барака кираверади.

Яқинда жамият Наврўз байрамини катта тантана билан нишонлади. Шу куни «Гузар» чойхонаси очилди. Шодиёналарда таниқли санъаткорлар иштирок этдилар. Жамиятда узоқ вақтдан бери меҳнат қилиб келаётган ёши улуғ икки нафар ишчи ходимни пенсияга кузатдилар. Уларга гилам, уст—бош ва пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, ушбу жамиятга кўп йиллик меҳнати сингган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган бир юз ўн нафар фахрийлар байрам дастурхонига таклиф қилинди ва уларга совғалар улашилди. Ҳозирда жамият ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қуришни режалаштирган.

Биз қисқача хикоя қилган «Чортоқ тола» ҳиссадорлик жамияти аъзолари—нинг бугунги эзгу ишлари хусусида яна кўп илиқ гапларни айтиш мумкин. Бугун Чортоқда ҳамманинг фикри зикри ўз вақтида чигитни беталофат ундириб олишда. Зеро, хирмонлар «оқ олтин»га тўлса, пахтани қайта ишловчиларнинг ҳам ишлари бароридан келаверади.

М. РАҲМАТОВ

ЗУЛФИЯХОНИМ ЧИРОҚЛАРИ

Ҳулкар, Омон, Риояхон, Улуғбек, Гулшод, Лола... Бу исмлар биз — Зулфияхоним шогирдлари учун шунчаки шоира фарзандлари, невара — ларининг исмларидан кўра кўпроқ теранроқ мазмун — моҳият касб этарди. Булар биз учун ўзимиз паноҳ биладиган, меҳру муҳаббатидан куч ола — диган шоира дунёсининг азиз бир қисми эди. Бу муносабат ҳам тасодифий эмас, албатта.

Зулфияхонимнинг уларга бўлган ички бир муҳаббати, эътибори туфайли бизда ҳам шундай муносабат шакллан — ган эди. Зулфия опамга ўз фарзандларига нисбатан «Мен сизларни шу даражага етказ — дим, менинг шуҳратим, дав — латим соясида шу кунларга етдингиз, мендан қарздор — сизлар», деган қараш мутлақо ёт эди. Улар жонсарак, фи — дойи барча оналар каби: «Омон, болам, чарчаб қолма — дингми?», «Ҳулкар, кел, бир — пас дамингни ол», дея уларни жуда авайлаб, аядилар.

Дам олиш кунлари Дўр — мондаги дала ҳовлида Омон акам бошларига оқ дурра танғиб боққа ишлагани кир — салар, офтоб кўтарилган сайин Зулфия опам безовта бўлар — дилар, гоҳ қўлларида бир пи — ёла чой билан ёнларига бо — рар, гоҳ олма дарахти остида ўтирган кўйи: «Кела қол, бо — лам, қолганини салқинда қиларсан», деб такрорлари — лар...

Омон акам ҳам Дўрмон — даги дала ҳовлими ё Чимкент кўчасидаги уйми — кунора келардилар. Агар иш тиғиз — лашиб келолмай қолсалар, ҳайдовчиси Қодир акамдан янги сут, қаймоқ, творог, ҳўл мевалар бериб юборардилар. Ҳатто хизмат сафарларига борган жойларидан қўнғироқ қилардилар. Гўшакни баъзан уйларида пайтим кўтариб қолсам: «Қутлибека, холо — дильникда шамол айланмаяп — тими, ишқилиб?» деб ҳазил аралаш сўраб қўярдилар.



Зулфия опам сал хастала — ниб ётган бўлсалар, диван ёнига стул қўйиб, опанинг қўлларини ушлаб, узоқ ўти — рардилар. Омон акам билан ана шу тарздаги сўзсиз, бе — такрор мулоқотлардан сўнг Зулфия опам тетиклашиб қолардилар.

Омон акамнинг рафиқалари Риояхон келинойи (биз у ки — шини оддийгина қилиб, «кен — нойи» деб чақиришга ўрган — ганмиз) ҳам Зулфия опамга ўз онасидай меҳр билан қарар — дилар. Шифокор бўлганлик — лари учун кунора қон босим — ларини ўлчар, овқатланиш, кун тартибларини доим кузатар — дилар. Қачон дори бериш за — рур бўлса, ҳафсала билан сут. иситиб келардилар ёки или — тиброқ қатиқ берардилар. «Аяжон (Зулфия опамни ҳам — малари Жиззах одати бўйича «аяжон» деб аташарди) до — рини иложи борича, қатиқ, сут билан ичган яхши», деб таъ — кидлардилар. Мева шарбат — лари тайёрлаб берар, ҳамма — сини астойдил ихлос билан қилардилар, қўл учида, маж — бурият юзасидан қилганла — рини сира эслай олмайман. Бирорта меҳмон келадиган бўлса, ҳаммадан аввал келиб, ҳаммадан кейин кетардилар. Пазанда, эпчил, чаққонлиги учун ошхонадаги барча жа — раёнларга бош — қош эдилар кеннойим, ёнларида Ҳулкар опам... Биз чучвара тугиш, лағмон эшиш, норин тўғраш — ларни уларнинг қўлларига қараб ўрганганмиз. Кенной — им ҳеч қачон, ҳатто ошхонада хизмат қилгувчилар кўп бўл — са — да, меҳмонлар ёнига ўз — ларини кўз — кўзлаб кириб, ўтириб олмас эдилар, фақат кўнгил олиш учун елиб — югу — риб юрардилар. Расмларга тушиш чоғида: кеннойи, ке — линг, дея ҳаммамиз чувил — лашиб чақирардик.

Турмушга чиққанимизда, фарзандлар кўрганимизда Риояхон келинойидан теле — фон орқали, гоҳ бориб ши — фокор сифатида маслаҳатлар олганмиз.

...Жаннатмакон устозимиз дунёдан ўтдилар. Аммо Ҳул — кар опам, Омон акам, кен — нойим уларнинг чироқларини ёқиб ўтиришибди. Худди опа ҳаётлик пайтларидагидай жиззахлик қариндошлар би — лан борди — келди қилишади. Тўйлари, маъракаларидан қолишмайди. Яқингинада ҳам кеннойим сарпо — суруқлари билан Жиззахга, тўйга тай — ёргарлик кўраётган экан бир борсам. Ота — оналари қариндошларига вафо, улар билан жигарчилик риштала — рини мустаҳкамлаш, орани узмаслик ҳам аслида маъна — вият, маданият белгиси. Ҳар баҳорда 1 март куни ҳозир ҳам Ишчилар шаҳарчасидаги Омон акам уйларига гуллар кўтариб борамиз. Бу хона — донда ҳар доим Зулфия опамнинг ўз хонаси бўлган. Ҳаётлик чоғларида келадими, келмайдими кеннойим бу уйни ҳамиша опа диди билан жиҳозлаганлар. Ҳар кун ва — задаги гулларини янгилаган хона ҳамон ўшандай...

Кеннойим ҳам ўзлари ал — лақачон буви бўлган бўлса — лар — да, ўтириб олмайдилар. Ҳамон аввалгидай бизни «олинг — олинг» деб қистай — дилар. Бир пайтлар биз билан чуғурлашиб гапиришиб ўти — радиган Омон акамнинг ўғиллари Фаррухбек, Отабек — лар катта йигит бўлишган, хонадон неваралар, Зулфия опам эваралари кулгилари билан ҳам файзланган. Ҳатто Ҳамид Олимжон оналари хо — тирасига невара қизларини Қомилахон деб аташган. Де — мак, шоира ёққан чироқ ўч — майди. Нури, ҳарорати билан ҳали узоқ йиллар кўп дил — ларни munaввар этади, иси — тади.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

БИЛАСИЗМИ?

Ҳеч қайси тилда тиззанинг орқа тара — фини ифодалайдиган сўз йўқ экан.

***

Совуқ сувдан кўра қайноқ сув оловни тезроқ ўчираркан.

***

Британия сувларида тутилган барча осётр балиқлари қонун бўйича қироличага те — гишли ҳисобланаркан.

***

Юқори жағи ҳаракатланадиган ягона жонивор фақат тимсоҳ экан.

***

Инсон мушакларида 75 фоиз, жигарида 70 фоиз, миясида 79 фоиз ва буйрагида 83 фоиз сув бўларкан.

***

Мутахассисларнинг ҳисоб — китобларига кўра, Америка Қўшма Штатларининг ташқи қарзини тўлаш учун ҳар бир америкалик фуқародан 15,5 минг доллар миқдоридаги пулни олиш керак бўлади.

***

Россия бош прокурорининг айтишича, ўтган йили Россияда 9 миллионта жиноят содир этилган. Бу 1 дақиқада 17 та жиноят бўлди, дегани.

***

Биринчи автомобилнинг вазни 3 тонна бўлиб, у ўтин ёқиш орқали ҳаракатга кел — тирилган. Ҳозирги давр машиналарининг илк кўриниши 1769 йилда француз Никола Кюньо томонидан яратилган. Бу автомобил буғ ёр — дамида ҳаракатга келтирилган. «Шофёр» сў — зининг маъноси шу воқеага бориб тақалади. Бу сўз французчадан таржима қилинганда, «ўт ёқувчи» маъносини англатади.

***

Колибри қуши бир сонияда 50 мартадан ортиқ қанот қоқаркан.

***

«Авто — ревю» журналининг хабар бери — шича, япониялик бир гуруҳ ихтирочилар янги машина яратдилар. Бу машинанинг ўзига хос томони, агар ҳайдовчи машина ҳара — катланаётган вақтда уйқуга кета бошласа, рулдаги махсус тизим, ҳайдовчи қон томири уришини назорат қилиб боради ва ҳайдовчи ухлаб қолаётганини сезса, махсус сигнал бе — рилади. Бу ёрдам бермаса, ҳайдовчининг ўриндиғи ҳаракатга келади ва ўз — ўзидан ҳайдовчини силкита бошлайди. Бу ҳолат ҳам наф бермаса, машина автоматик тарзда тўх — таб қолади.

Мансур ҚОДИРОВ тайёрлади.

БЕТХОВЕН СЕВГИЛИСИГА ЕТОЛГАНМИ?

Немис бастакори, пианиночи ва дири — жёри Людвиг ван Бетховен болалигида кам — гап, болаларга қўшилмайдиган «ёввойироқ», бўлган экан. Унга Испан деб лақаб қўйиш — ганди. Бетховен мактабда ҳам унчалик яхши ўқимаган бўлиб умрини охиригача яхши савод чиқара олмаганди. У мактубларни ҳам хатолар билан ёзарди. Математикани қўяверинг, умуман кўпайтиришни билма — ган. Аммо бу нуқсонлар уни бутун дунёга танилишига ҳалақит беролмади.

Ёш Бетховеннинг илк мусиқий асарла — ри — балет ва кантаталари тез орада ҳам — манинг эътиборини тортди ва европанинг энг яхши музиканти деган унвонга сазовор бўлди. У Моцартдан, Гайден ва Сольери — лардан сабоқ олди.

Унинг энг машҳур асарлари тўққизта симфонияси, «Ойдин соната» «Кўтаринки соната», «Аппассионата»дир. Ушбу асарлар Бетховен номини асрлар солномасига аба — дий битди.

Аммо бир кам дунё деганларидек тақдир уни бахт билан сийламади. У кўнгил қўйган ва у учун «Ойдин соната»ни бағишлаган графиня унга турмушга чиқмади. Севгисига етолмай армон билан умр ўтказган баста — корнинг ёши ўтган сари эшитиш қобилияти сусайиб борди. Бетховен ўзининг тўққи — зинчи симфониясини бутунлай қулоғи эшитмай қолганда ёзган эди. У ўзининг аса — рини қай даражада чиққанлигини фақат мухлисларнинг қарсакларини кўргандан сўнг билган ва йиғлаб юборган эди.

Бироқ у ёлғиз эмасди, ўзига етарлича мухлис орттириб улгурганди. Мухлислари ҳамиша Бетховен билан бирга эдилар.

М. РАҲМАТОВ таржимаси

ҒАРОЙИБ ОЛАМ

УЛКАН БУТЕРБРОД

Инсон ҳаётда нималар қилмайди, дейсиз?

Ҳозирги кунда жамоа бўлиб, ҳар хил ўзига хос усул — ларни қўллаб рекордлар бажариш урф бўлиб қолди. Пи — шириклар пишириш, ғайриоддий ҳолатга тушиш, улкан тоғ — ларни забт этиш ва ҳоказолар қизиқувчан шахслар томо — нидан бажарилмоқда. Бунинг, албатта, натижаси ўлароқ улар Гиннеснинг рекордлар китобига киритилишидан умидвор бўлишади. Бу китобга кирганлар эса маълум бир миқдор — даги пулга эга бўлади.

Яқинда Россиянинг Нижний Новгород шаҳридаги бир кафе ошпазлари узунлиги 12 метр, эни 1,5 метр келадиган бутерброд тайёрлашди. Сўнгра бу ғаройиб таом шаҳар ши — ринликлар кўргазма растасида намойиш қилинди. Кўргаз — мага келган меҳмонлар ушбу таомга ўз қизиқишларини бил — дириб, ундан тотиб кўришмоқчи эканликларини айтиш — ганда, таом эгалари олдин Гиннес китоби ходимлари кўриб рўйхатга олганликларидан сўнггина рухсат беришларини та — бассум билан жавоб беришди.

БИР ШАПАЛОҚҚА ИККИ ЙИЛ

Португалия олий суди бир жиноий ишга ҳукм чиқаргач, жазо чораларини қайта кўриб чиқишга қарор қилди ва тезда амалга жорий этди. Эндиликда кимки бировни кафти билан бир шапалоқ урса, жиноятчи ҳисобланади ва икки йил муд — датга озодликдан маҳрум этилади ёки унга катта миқдорда жарима солинади.

ЭЙНШТЕЙН-КЛОН

Сўнгги ўн йилликда клон, клонлаштириш деган сўзлар оммавий ахборот воситаларида кўп бора янграмоқда. Бу бир одам қиёфаси мисолида бошқа одамни сунъий тарзда яратиш бўлиб, олимлар ушбу иш устида илмий — амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Кўп давлатлар олимлари ай — нан кимни нусхасини яратиш лозимлиги ҳақида ҳам кўп бош қотиришмоқда. Яратиладиган клон машҳур инсон бўлса, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратади. Буни қарангки, инг — лизлар кимни клонлаштиришни ҳал қилиб бўлишибди. Бу маълумот оммавий сўров натижасида ўрганилди. Шундай қилиб, клонлаштиришга энг яққол номзод буюк олим — Аль — берт Эйнштейн бўлиб чиққан.

Умуман олганда, клонлаштиришга кўпчилик қарши, ма — салан 61% сўровда қатнашган кишилар ўйлаб ўтирмай клон — лаштириш лойиҳасига рад жавобни беришган. Қизиғи шун — даки, клонлаштиришга эркаклардан кўра аёллар икки — уч маротаба кўп қарши чиқишибди.

С. ШОШИЙ тайёрлади.

ДЎСТЛАР

— Жек, бу касални қарийб даволаб бўлмайди. Менинг учун сариқ касалдан кўра даҳшатлироқ бошқа касаллик йўқ.

— Шунчалар жиддийми?

— Шундай десак ҳам бў — лаверади. Ўлим билан тугаш фоизи жуда баланд.

Унинг юзи азоб — уқубатдан тундлашди, менинг эса юраккинам эзилиб кетди. Ле — кин шу тахлитда огоҳланти — риб қўйиш бўлгувси зарбани юмшатди: чунки мен Жин — гонинг яқин кунларда нобуд бўлишини билардим, ҳатто орадан ўттиз йил ўтгач, эн — диликда ҳам бирон ит кўзла — ридаги шундай сариқ товла — нишга кўзим тушса титраб кетаман. Пенициллин ва бош — қа хил антибиотик дорилар шу касалликни қўзғатувчи мар — ғуласимон микроорганизм — ларга таъсир этса — да, у ҳа — мон ўлим билан тугаши ҳол — лари учраб туради.

— Шундайми... — у ақл — ҳушини йиғиб олди. — Лекин сиз бирон йўриғини қилол — майсизми?

— Албатта бўладиган гап, — дедим мен шахдам. — Мен катта дозада лептоспирозга қарши вакцина укол қиламан, боз устига ичиладиган дори ҳам бераман. Аҳволни унча — лик умидсиз деб бўлмайди.

Ҳозирги босқичда самараси оз эканлигини билсам — да, унга вакцина инъекция қил — дим. Ихтиёримда бундан бошқа хил восита йўқ эди. Бутунлай бошқача ҳис — туй — ғулар билан Шиперга ҳам укол қилдим; бу билан у ка — саллик юқишидан қарийб сақланиб қоларди.

— Яна бир гап, Жек, — де — дим мен. — Лептоспироз одамларга ҳам юқади, шунинг учун Жингони боқаётганин — гизда барча эҳтиёт чорала — рини кўриб боринг. Яхшими?

У бош қимирлатиб, бул — терни столдан туширди. За — бардаст ит менинг кўпгина беморларим сингари оқ ха — латимни айтмаганимизда ҳам аллақандай чўчитувчи ҳид — ларга тўла хонадан сиғралиб чиқишга ошиқди. Жек кўз қири билан уни кузатиб, умид билан менга бурилди:

— Кўряпсизми югуришини! Аҳволи ёмон бўлмаса керак — а?

Мен унинг ҳақ бўлиб чиқишини ғоятда хоҳласам — да, индамадим. Лекин дилимда шу ажойиб ит — нинг ўлиши му — қаррарлиги тўғ — рисидаги хазин фикрлар ғужғон ўйнарди.

Эртасига эр — талабоқ ҳаммаси равшан бўлди — қўйди. Жек Сэн — дер ҳали тўққиз бўлмасданоқ менга сим қоқди.

— Жинго зерикиб қолди — миёв, — деди у. Лекин овози — нинг қалтираб чиқиши айтган сўзларининг парвосизлигига зид эди.

— Шундайми? — ҳамиша бундай ҳолларда рўй бера — диганидек кайфиятим бирдан пасайиб кетди. — У қандай аҳ — волда?

— Аҳволи чатоқ. Ҳеч нарса емаяпти...худди ўликдек ёт — гани — ётган...Баъзан қайт қилиб ҳам қўяди.

Бошқача бўлишини ҳам кутмагандиму, шундай бўлса — да, столнинг оёғини тепиб юборишимга сал қолди.

— Яхши. Ҳозир етиб бора — ман.

Жинго мени кўриб энди думини ликиллатмади. У ўт — олов олдида акашак бўлиб олиб, қип — қизил чўғларга бўшанглик билан қарарди. Кўзларининг сариғи тўқ за — рғалдоқ тусга ўтиб, ҳарорати яна — да юқорилашибди. Мен вакцина инъекциясини так — рорладим, лекин у уколни сезмаётгандек эди. Хайрла — шаётиб сип — силлиқ, оппоқ елкасини си — лаб қўйдим. Шкипер бўлса одатдагидек ж ў р а с и н и тортқиларди, аммо Жинго ўзининг азоб — у қ у б а т л а р и билан бўлиб шуни ҳам сез — масди.

Мен кунда хабар олиб т у р а р д и м. Тўртинчи куни кирсам ҳуши — дан кетган ҳолатда ёнбошлаб ётарди. Кўз жилди, оқ пар — даси ва оғзининг шиллиқ пардаси булғанч жигарранг тусда эди.

— У ортиқча азоб чекяп — тими? — деб сўради Жек Сэн — дер. Мен дарров жавоб бера қолмадим.

— Менимча унда оғриқ йўқ. Ўзини нохуш сезиш, кўнгил айнаш, албатта, бор, бошқа ҳеч гап йўқ.

— Мен бўлсам даволашни давом эттиришни афзал билар — дим, — деди у. — Ҳатто сиз аҳ — волини умидсиз деб ҳисобла — ганингизда ҳам уни беҳуш қилишни хоҳламайман. Сизнинг фикрингиз ҳам шундай — а?

Мен елкамни маъносиз қисиб қўйдим. Шкипер ме — нинг эътиборимни тортди. У бечора нима қилишини бил — масди. У ўзининг аввалги тактикасини тўхтатиб, жў — расини ортиқ тортқиламас, ҳайроналик билан уни ҳид — лаб — ҳидлаб қўярди. Ҳис — туйғусиз қулоқни бир мар — тагина авайлаб тортқилади.

Мен тамомила ночор ҳолда одатдаги даволаш усулларини қўллаб бўлиб, Жингони ортиқ тирик ҳолда кўрмасам керак, деган ўй билан жўнаб кетдим. Шундай бўлишини кутган бўлсам — да, Жек Сэндернинг эрталабки қўнғироғи бошла — наётган кунимни қайғули қилиб қўйди.

— Жинго кечаси ўлди, ми — стер Ҳэрриот. Сизни огоҳ — лантириб қўйишим керак, деб ўйладим. Ахир сиз эрталаб кириб ўтмоқчи бўлган эдин — гиз — да... — Жек печанлик би — лан, осойишта гапиришга уринарди.

— Самимий ҳамдардли — гимни қабул қилгайсиз, Жек. Очиғини айтганда, шундай бўлишини ўйлагандим...

— Мен буни билардим. Қилган ишларингизнинг ҳам — масига кўп раҳмат.

Одамлар шундай дақиқа — ларда ўзингизга минатдорчи — лик изҳор этсалар, кишининг кўнгли яна — да чўкиб кетади. Сэндерларда фарзанд йўқ эди ва улар ўз итларини ғоятда севардилар. Ҳозир унинг аҳ — воли қандайлигини билардим. Телефон гўшагини илишга мажолим қолмаганди.

— Ҳарҳолда, Жек, сизда Шкипер бор.

(Давоми бор, боши 18 март сонида).

(Давоми, боши ўтган сонда).

СПОРТ ОЛАМИДА

Муҳаммадқодирнинг жиддий рақиби

Сидней олимпиадаси чемпиони ва ҳозирда профессионал боксда ўз омадини синаб кўраётган ҳамюртимиз, маҳоратли чарм қўлқоп устаси Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзининг нав — батдаги жангини шу йилнинг 11 июн куни ўтказади. Про — фессионал бокснинг биринчи ярим ўрта вазнида рингга кў — тарилаётган Муҳаммадқодир ўтган йили қитъаларо чемпи — онликни қўлга киритганди. Энди у ўзининг навбатдаги жанги орқали яна бир унвонга эга бўлиши мумкин. Америка Қўшма Штатларининг Нью — Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган жангда юртдошимиз Пуэрто Рико вакили, таниқли боксчи Мигел Кот — тога қарши баҳс олиб боради. Ушбу жанг ғолиби WBO чем — пионлик камарига эга бўлади.

Ҳақиқий мухлислар экан

Яқинда Бразилия чемпионатининг сўнгги тур ўйинидан кей — ин «Португезе» жамоаси футболчилари ўз мухлислари билан муштлашиб кетдилар?! Бунда ҳар иккала томоннинг айби бор эканлиги кейинчалик ойдинлашди. Аслида нима бўлган эди? Гап шундаки, Сан — Паулу штати чемпионатида иштирок этувчи «Португезе» ўз майдонида ўтган ҳал қилувчи баҳсда «Порту — гезе Сантинст» жамоасига ютқазиб қўйиб, иккинчи дивизи — онга йўл олади. Мухлислар эса жамоаларини кўнгилдагидай қўллаб — қувватлаб туриш ўрнига, ўйин давомида футболчи — ларни тинмай ҳақорат қилиб туришган.

Жанжал тугаб, стадион бўшагач, эллик нафарга яқин мух — лис футболчиларнинг ечиниш хонасига йўл олдилар. Футбол — чилар эса фанатлар бизни калтаклагани келишяпти деб ўйлаб, қўлларига илинган нарса билан мухлисларни ура бошладилар. Ҳайриятки полициячилар етиб келишиб, томонларни ажратиб қўйишди. Маълум бўлишича, ечиниш хонасига келганлар жа — моанинг ҳақиқий мухлислари бўлиб, улар футболчиларнинг руҳини кўтаришга келган эканлар.

Костя Цзю: «Мен боксдан кетаман»

Биринчи ярим ўрта вазн чемпиони австралиялик Костя Цзю яқинда Австралия спорт институтидаги ўзининг машғулотлар залига жўнаб кетди. У шу йилнинг бешинчи июнида буюк британиялик Рикки Хаттонга қарши рингга кўтарилишни мўл — жаллаяпти.

— Бу менинг охирги жангларимдан бири бўлса, ажаб эмас, — дея маълумот берди Костя. — Чунки, менинг боксдаги фаоли — ятимни туташига кўпи билан бир йил қолди. Мутахассислар фикрига кўра, мен яна уч ёки тўрт йил бемалол бокс туша олар эканман. Тўғри, ўз қувватим қанчага етишини яхши би — ламан. Аммо ҳар нарсанинг охири бор.

Ислом Тиллабоев тайёрлади.

РИВОЯТ

БИР ОҒИЗ СЎЗ

Бир ҳаким кўчада кетаётган экан. Қараса, сал олдинда бораётган бир қиз дам — бадам «қон» туфурармиш. Ҳаким унинг кетидан қорама — қора бора — верибди. Қиз уйига кириб кеттач, дар — возани тақиллатибди. Қизнинг отаси чиқиб, ҳакимни танибди ва уйга так — лиф қилибди. Гап орасида табиб: «Қизингиз бедаво дардга учраганга ўх — шайди, олдини олмасангиз, охири вой бўлади» дебди. Унинг сўзларини ҳа — лиги қиз эшик орқасидан эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук — дук уриб, қалтираб йиқилибди ва ҳушидан ке — тибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқиба — тида қиз руҳий дардга гирифтор бў — либ, оламдан ўтибди...

Кунлардан бир куни қизнинг отаси ўша ҳакимни учратиб қолибди. Шунда ота:

— Тақсир, қизим бедаво дардга ча — линганини қандай билган эдингиз? — деб сўрабди.

Ҳаким дебди: — Қизингиз кўчада кела туриб, бот — бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Шунда чол пешонасига шартта урибди, кейин ўзига келгач, дебди:

— Эй, аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди. Сиз кўрган туфук шотут ран — ги — ку!

Шунда табиб чол олдида тиз чўкиб, узр сўраб, дебди:

— Сиз менга ва биздан сўнгги ав — лодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа — соғ одамни ўл — дириш ёки бедаво беморни оёққа ту — рғизиб юбориш мумкин экан.

М. ЖАББОРОВ тайёрлади.

МАСЛАҲАТХОНА

Тузнинг ўзини ишлатгандан кўра, намакоб сувидан ишлатган афзалроқ.

* * *

Ёзнинг иссиқ кунлари кимгадир салбий таъсир қилиб, ўзини ёмон сезса, унга аччиқ кўк чой ичириш, бошини ҳам шу чой билан ёки алоэ баргининг ичидаги шилиғи билан кўп марта ҳўл — лаш, эмлаш керак. Тоғолчани қайнатиб ичириш керак. Қатиқ ичириш ҳам яхши натижа беради.

* * *

Умуртқа поғоналари чарчоқдан ёки лат егандан оғриса, кечаси уйқуга ётишдан олдин умуртқа поғоналарига мўмиё суркаш ва 1граммини ичириш керак. Бемор 3—4 кунда мутлоқ ту — залиб кетади.

* * *

Баъзи одамлар озиш учун доимо наъматакдан чой дамлаб ичади ва ҳа — қиқатан ҳам семиз одамлар бирмунча озади. Сабаби, наъматак қайнатмаси ортиқча суюқликни танадан ҳайдайди.

* * *

Қон босими — ҳафақон, қанд ка — саллиги, шақиқа каби бир қанча хас — таликлар беморнинг иссиғи ошиб ке — тиши туфайли пайдо бўладган дард — лардир. Бундай хасталикларни даво — лашда наъматак қайнатмасидан фой — даланмаслик керак.

* * *

Мусиқа товушлари, айниқса, ҳо — физнинг хонишлари нафақат тинглов — чилар, балки унинг ўз саломатлигига ҳам кони фойдадир. Чунки, қўшиқ айтган кишининг қон томирлари кен — гайиб — тораяди, ҳатто майда томир — ларда ҳам қон ҳаракати яхшиланади. — Вақти — вақти билан қўшиқ хиргойи қилиш бутун танада қон тақсимла — нишини бир маромга солади.

* * *

Ошқозон оғриганда кунига наҳорда ва ётиш олдидан бир ош қошиқда доғ — ланган зайтун мойи ичиш керак.

* * *

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак деворлари яллиғланса, ҳар куни 100гр.доғ қилинган ёғга 100гр. қийма — ланган саримсоқ пиёзни қириб, уни 3га бўлиб, овқат ва шакароб билан ис — теъмол қилиш кони фойдадир.

* * *

Кўк чой қанд хасталигини даволашда кундалик чой хизматини ўтайди. Қон — даги қанд соққачаларини камайтириб, қон таркибининг бир меъёрда бўли — шини таъминлайди.

МАНСУБА тўплади.

«АПРЕЛ» ТОРТИ

Масаллиқ: 7 та тухум сариғи, 1 стакан шакар, 2 ош қошиқ сметана, 2 қошиқ асал, 1 та майдаланган лимон, 1 стакан майиз, 4 ош қошиқ ун, лимон кислотасида эритилган сода.

Тайёрлаш: Масаллиқлар яхшилаб аралаштирилади, 3 та тухум сариғи, 0,5 стакан шакар билан кўпиртирилгач, олдинги аралашма қўшилади.

Креми: 4 та тухум оқи 1,5 стакан шакар уни билан кўпиртирилади. Тортнинг сиртига шоколадли глазур қуйилади.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 227. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502. Сотувда эркин нархда.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00